

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯХЪЯЕВА ИНОБАТ КАРИМОВНА**

**ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ТЕЖАМКОР ИШЛАБ**  
**ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in economic sciences**

**Яхьяева Инобат Каримовна**

Тўқимачилик корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни бошқаришни  
такомиллаштириш ..... 3

**Яхьяева Инобат Каримовна**

Совершенствование управления бережливым производством на текстильных  
предприятиях ..... 29

**Yakhyayeva Inobat Karimovna**

Improving lean manufacturing management in textile enterprises ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯХЪЯЕВА ИНОБАТ КАРИМОВНА**

**ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ТЕЖАМКОР ИШЛАБ**  
**ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Iqt1846 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Йўлдошев Нуритдин Қурбонович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Суюнов Дилмуродов Холмуродович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Казаков Олим Собирович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент.

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-01-49, факс: (99871) 239-41-23, e-mail: tdiu@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-74); e-mail: tdiu@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.К.Абдурахманова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Р.Х.Карлибаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

**Ш.Дж.Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётининг интеграция ва глобаллашув жараёнларида саноат корхоналарида, жумладан, тўқимачилик саноати корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг замонавий механизмларидан фойдаланиш аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Тўқимачилик тармоғининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги салмоғи ривожланган давлатларда, хусусан, Германия, АҚШ, ва Францияда 6-8 %ни, Италияда 12 %ни ташкил этади<sup>1</sup>. Тўқимачилик саноатининг материаллар сарфини кўп талаб этувчи тармоқлар қаторига кириши, тўқимачилик маҳсулотлари таннархида моддий ресурслар улуши 70-75 %ни ташкил этиши, шунингдек, тўқув ҳажми тўқувчилик ишлаб чиқаришининг меҳнат сарфида 70-80 %ни ташкил этиб, тармоқдаги асосий ишчиларнинг 73 %и, ипакчилик корхоналарида эса 78 %и тўқув босқичига тўғри келишини эътиборга олинса, ресурс тежамкорлигининг аҳамияти катта эканлигини кузатиш мумкин<sup>2</sup>. Бугунги кунда барча корхоналар учун ресурсларни тежаш муаммосини бартараф этувчи қарорларни қабул қилиш зарурати юзага келмоқда. Қисқа муддатларда иқтисодий ресурслар сарфини камайтириш ва тежаш йўллари аниқлаш талаб этилади, акс ҳола ишлаб чиқаришда туриб қолиш ҳолатлари ҳамда корхоналарнинг харажатлари ортиб, даромадлари камайиб кетишига олиб келади. Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш, корхоналарда ресурсларни тежаш имконини берувчи ҳамда замонавий инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига ресурс тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон амалиётида тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг иқтисодий механизмларидан самарали фойдаланишга қаратилган қатор муаммолар ечимини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар амалга оширилган. Хусусан, тўқимачилик саноати корхоналарида инновацион технологиялар тизимини жорий этиш, саноат корхоналарида энергия сарфини камайтириш, саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархидаги моддий харажатлар сарфини камайтириш, корхоналарнинг ички имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш, иқтисодий салоҳиятни инновацион ёндашувлар асосида ошириш шулар жумласидандир. Шу боисдан, тўқимачилик саноати корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб боришни янада ривожлантириш асосий тенденциялардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи сифатида тўқимачилик соҳасининг сифат жиҳатидан жадал ривожлантириш юзасидан кенг қамровли ва мақсадли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «миллий иқтисодиёт

<sup>1</sup> [www.oecd.org](http://www.oecd.org)

<sup>2</sup> [www.uzts.uz](http://www.uzts.uz)

таркибида саноатнинг улушини кўпайтириш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>3</sup> устувор вазифалар сифатида белгиланган. Мазкур вазифалар мамлакатимизда тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришни талаб этади.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2015 йил 11 февралдаги ПҚ-2298-сон «2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш давлат дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сон «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 20 августдаги ПҚ-3910-сон «Республикада пиллачилик тармоғидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 28 майдаги ПҚ-4341-сон «Республика ҳудудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 12 декабрдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 5 майдаги ПҚ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини кўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 16 октябрдаги ПҚ-5262-сонли «Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 397-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодий адабиётларда тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид масалалар хорижлик олимлардан Р.Акофф, И.Ансофф, Б.Берман, Я.Варпер, А.Е.Карлик, Г.Керцнер, Й.А.Шумпетер, Е.А.Шоколенко<sup>4</sup> нинг илмий изланишларида ёритиб берилган.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>4</sup> Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия: перевод В.С. Автономова. / Й.А.Шумпетер. – Москва: ЭКСМО, 2007. - 864 с. Шоколенко Е.А. Совершенствование процессов

МДХ мамлакатлари олимлари А.В.Богатырев, С.А.Лоскутов, А.М.Мантулин, Н.В.Махаева, О.А.Рашева, Л.В.Епихина, В.А.Чернова, И.И.Гизятлов, И.А.Кинаш, С.А.Кузьмин<sup>5</sup> асарларида ҳамда илмий ишларида мазкур тадқиқот йўналишига доир масалалар атрофича ўрганилган.

Мазкур масала Ўзбекистон олимларидан С.Ғуломов, И.Искандаров, Н.Йўлдошев, А.Юсупов, А.Ортиқов, М.Турсунходжаев, С.Қосимов, Э.Махмудов, Ш.Шодманов, Н.Махмудов, С.Хомидов, Б.Салимов, С.Юлдашев, Р.Исаев, Г.Умарова, Н.Рустамов, Б.Турсунов, З.Ҳақимов, С.Юсупов, О.Давронов ва бошқаларнинг<sup>6</sup> илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Юқорида қайд этилган олимларнинг тадқиқот ва асарлари, концептуал ёндашувлари муҳим илмий ҳамда услубий манба ҳисобланади. Шу билан бирга, мазкур ишланмаларда тўқимачилик корхоналарида ресурслар

---

ресурсосбережения на машиностроительных предприятиях: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.06. –Омск, 2006. 16 с.

<sup>5</sup> Богатырев А.В. Теория и методология организационно-экономического обеспечения ресурсосбережения на промышленных предприятиях: дис. ... д-ра экон. наук: 08.00.05. – Н. Новгород, 2010. 360 с. Лоскутов С.А. Формирование механизма ресурсоэффективности на предприятиях хлебопекарной промышленности: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – Воронеж, 2015. — 214 с. Мантулин А.М. Экономический механизм ресурсосбережения на предприятии (на примере сахарной промышленности): автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – Воронеж, 2012. – 24 с. Махаева Н.В. Организация ресурсосбережения в сфере жилищно коммунального хозяйства: дис. ... канд. экон. наук. – Тольятти, 2005. 156 с. Рашева О.А. Ресурсосберегающая политика - преимущество в условиях рыночной экономики / О.А. Рашева, М.В. Петряшова // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований, 2016. - № 8. - С. 84. Епихина Л.В. Новые подходы к формированию ресурсосберегающей модели предприятия горнорудной промышленности / Л.В. Епихина. // Российское предпринимательство, 2016. - № 6. – С. 56-59. Чернова В.А. Концепция бережливого производства: неуклонное сокращение потерь / В. А. Чернова, И. Т. Агеева // Молодой ученый. - 2016. - №26. – С. 128-131., Гизятлов И. И. формирование и комплексная оценка эффективности политики ресурсосбережения в промышленности: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – Казань, 2011. – 24 с., Кинаш И.А. Организация системы управления ресурсосбережением на предприятии / И. А. Кинаш // Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. - 2015. - №11. – С. 112-119.

<sup>6</sup> Ортиқов А., Исоқов М. Индустириал иқтисодиёт, ўқув қўлланма, Саноат иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, 2019., Шодманов Ш. Тежамкорликнинг умумиқтисодий категория сифатидаги мазмуни ва ундан амалда фойдаланиш. // Иқтисодиёт назарияси ва макроиқтисодиёт., Махмудов Н.М., Хомидов С.О. Ўзбекистон саноати: ривожланиш омиллари, тенденцияси ва муаммолари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2017, Турсунов Б.О. Корхона фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш. 08.00.13–«Менежмент» ихтисослиги. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. . – Т., 2019. – 162 б., Ҳақимов З.А. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш. 08.00.11–«Маркетинг» ихтисослиги. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2018. – 157 б., Юсупов С.Ш. Кучли рақобат шароитида Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантириш стратегиялари. 08.00.13–«Менежмент» ихтисослиги. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2018. – 152 б., Давронов О. Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналари иқтисодий салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишлари. 08.00.03–«Саноат иқтисодиёти» ихтисослиги. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2018. – 139 б., Бекмуродов А.Ш., Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: кластерный подход. Монография. – Ташкент: ТГЭУ, 2006. – 112 с.; Болтабаев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: и.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2005.–35 б.; Йўлдошев Н.Қ., Болтабаев М.Р., Рихсимбоев О.Қ., Ғаниев Б.О. Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2003, -102 б.; Шодмонова У.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида енгил саноатнинг барқарор ривожланиш хусусиятлари: иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази. – Т., 2006. -149 б.; Муратов Р.С. Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси истеъмол учун енгил саноат маҳсулотлари ассортиментини шакллантиришнинг регионал аспекти. 08.00.11–«Маркетинг» ихтисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2006. – 200 б. Тилляходжаев А.А. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати корхоналари рақобатбардошлигини ошириш ва соҳада маркетинг фаолиятини самарали ташкил этиш йўллари. // BIZNES-ЭКСПЕРТ ; Ҳақимов З. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш. 08.00.11–«Маркетинг» ихтисослиги. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2018. – 156 б.

тежамкорлигини оширишга қаратилган механизмни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масалаларига етарлича эътибор берилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Республикамиз тўқимачилик саноатини барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ, Тошкент давлат иқтисодий университетининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тўқимачилик саноати корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тўқимачилик корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича назарий хулосаларни умумлаштириш;

саноат корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш;

тўқимачилик корхоналарига тежамкор ишлаб чиқаришни татбиқ этишнинг услубий жиҳатларини асослаш;

тўқимачилик корхоналарида хомашёдан оқилона фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш;

меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги аҳамиятини ёритиб бериш;

тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш;

тўқимачилик саноати корхоналарини тежамкор ишлаб чиқариш асосида стратегик ривожлантиришнинг истиқбол кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

тўқимачилик саноати корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни мотивлаш йўллари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи тўқимачилик саноати корхоналари, хусусан «Апитекс» МЧЖ, «Осборон текстил» МЧЖ ХК ҳамда «Асака ишонч кафолат» МЧЖ корхонаси белгиланди.

**Тадқиқотнинг предмети** тўқимачилик саноати корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни бошқариш самарадорлигини ошириш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида расмий-мантқиқий, операцияларни тадқиқ этиш, сабаб-оқибат боғланишларини аниқлаш, математик моделлаштириш, иқтисодий таҳлил, тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш, таққослаш, таснифлаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни бошқаришга омилли ёндашув самарасини хомашё, материаллар ва ресурслар сарфининг



илмий асосланган меъёрларига амал қилиш ( $T_M=0,38$ ), ишлаб чиқаришдан йўқотишларнинг олдини олиш ( $T_{\text{Й}}=0,13$ ), чиқитсиз технологияларини жорий этиш ( $T_{\text{ЧТ}}=0,17$ ) ҳамда ходимларнинг меҳнатга тежамли муносабати ( $T_X=0,32$ ) мақбул нисбатларини таъминлаш орқали максималлаштириш асосланган;

тўқимачилик корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни рағбатлантириш тизими бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимлари ўртасида ресурсларни потенциал тежаш имкониятлари ҳисоб-китобига асосланган «маҳсулот ишлаб чиқариш дастурий харитаси»ни жорий этиш орқали такомиллаштирилган;

тўқимачилик тармоғидаги турдош корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият кўрсаткичларининг таққослама таҳлилига асосланган ресурслардан тежамли фойдаланишдаги устунлик, йўқотиш ва имконият ҳолатларининг даврий ўзгариши асосида, корхоналарда тежамкор ишлаб чиқаришни бошқаришда тактик қарорларни киритиш орқали такомиллаштириш таклифи асосланган;

тўқимачилик саноати тармоғидаги корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг инерцион ва интенсив йўналишлар бўйича 2030 йилгача прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар аниқланган;

тўқимачилик корхоналарида ресурслар тежамкорлигини оширишда тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг «5S» моделини татбиқ қилиш самарадорлиги асослаб берилган;

тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражасига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар асосланган;

тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкорлигини мотивлаш объектлари асосланган;

тўқимачилик корхоналарини ривожлантиришнинг инерцион ҳамда интенсив йўналишлари асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, ишлаб чиқилган моделларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг тўқимачилик саноати ваколатли ташкилотларидан ўтганлиги ва тасдиқланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўқимачилик корхоналари фаолиятини бошқаришда тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этиш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми тизимли ёндашув асосида бойитилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижаларидан «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ва унга қарашли корхоналарда тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, соҳадаги

муаммоларни аниқлаш, тармоқ фаолиятини режалаштириш ва ташкил этиш, мамлакат тўқимачилик тармоғи истиқболларини белгилаш ҳамда «Ишлаб чиқариш менежменти», «Сифат менежменти», «Операцион менежмент» фанлари бўйича кейс-стадилар, маърузалар матни, ўқув қўлланмалари тайёрлашда илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тўқимачилик корхоналарида ресурслар тежамкорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Тўқимачилик корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўқимачилик корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни бошқаришга омилли ёндашув самарасини хомашё, материаллар ва ресурслар сарфининг илмий асосланган меъёрларига амал қилиш ( $T_M=0,38$ ), ишлаб чиқаришдан йўқотишларнинг олдини олиш ( $T_{\text{Й}}=0,13$ ), чиқитсиз технологияларини жорий этиш ( $T_{\text{ЧТ}}=0,17$ ) ҳамда ходимларнинг меҳнатга тежамли муносабати ( $T_X=0,32$ ) мақбул нисбатларини таъминлаш орқали максималлаштириш бўйича таклиф «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига жорий этилган. («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2022 йил 28 апрелдаги №ДМ-03 сонли маълумотномаси). Натижада, «Апитекс» МЧЖда хом ашё ва материалларга кетган харажатларни 89831,7 млн.сўмга қисқартиришга эришилди;

тўқимачилик корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни рағбатлантириш тизими бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимлари ўртасида ресурсларнинг потенциал тежаш имкониятлари ҳисоб-китобига асосланган «маҳсулот ишлаб чиқариш дастурий харитаси»ни жорий этиш орқали такомиллаштириш бўйича таклиф «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар фаолиятида фойдаланилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2022 йил 28 апрелдаги №ДМ-03 сонли маълумотномаси). Натижада, «Осборон текстил» МЧЖ ХК да нуқсонсиз маҳсулотларни ишлаб чиқаришни мотивациялаш ҳисобига, қўшимча 51900 кг №54, 74587 кг №40 калава ипини ишлаб чиқаришга эришилди;

тўқимачилик тармоғидаги турдош корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият кўрсаткичларининг таққослама таҳлилига асосланган ресурслардан тежамли фойдаланишдаги устунлик, йўқотиш ва имконият ҳолатларининг даврий ўзгариши асосида, корхоналарда тежамкор ишлаб чиқаришни бошқаришда тактик қарорларни киритиш орқали такомиллаштириш бўйича берилган таклиф «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг бошқарув фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2022 йил 28 апрелдаги №ДМ-03 сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларни жорий этилиши ҳисобига «Осборон текстил» МЧЖда нуқсонга йўл қўйилгандаги ва тузатишдаги ортиқча йўқотишларни бартараф этиш ҳисобига, жами иш вақтидан 3,51 минг соатга иқтисодга эришилган.

тўқимачилик саноати тармоғидаги корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг инерцион ва интенсив йўналишлар бўйича 2030 йилгача прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув трикотажд саноатини

ривожлантиришнинг 2030 йилгача бўлган ривожланиш стратегиясининг 6-бандидаги «Тўқимачилик саноатини узоқ муддатли техник-иқтисодий ривожланишининг мақсадли параметрларини» белгилаш бўлимида фойдаланилган. Натижада, инерцион йўналиш бўйича тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2030 йилда 44655,1 млрд. сўмни, интенсив йўналиш бўйича эса 49657,2 млрд. сўмни ташкил этиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (жумладан, 2 та республика, 2 та хорижий ва 1 та Web of Science базасига киритилган журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 138 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илмий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иқтисодий мазмуни, назарий асослари тадқиқ этилиб, тўқимачилик саноати корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг услубий жиҳатлари асосланган ҳамда илғор давлатлар тажрибаси ўрганилган.

Диссертацияда кўрсатилишича, тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишдан стратегик мақсад – чиқимларни камайтириш ҳисобига корxonанинг самарадорлигини оширишдан иборат. Асосий мақсадга эришиш жараёнидаги қўшимча мақсад ва вазифалар – истеъмолчиларга узлуксиз хизмат кўрсатиш, ISO стандартларига жавоб берувчи замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, транспортда ташиш ва омборхона харажатларини тежашга қаратилган оптимал етказиб бериш схемаларини яратиш, ташқи корхоналар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш бўйича стратегик мақсадларни амалга оширишга қодир корхона фаолиятини ташкил этишдан иборат.

Муаллифнинг фикрича, тежамкор ишлаб чиқаришни жорий этиш ва ривожлантириш услубияти тежамкор ишлаб чиқаришнинг замонавий моделига

асосланади. У юқорида баён этилган тежамкор ишлаб чиқаришнинг классик тамойиллари, тежамкор ишлаб чиқариш элементларининг замонавий таркиби, корхонада тежамкор ишлаб чиқаришни тушуна олишнинг эҳтимолий даражаси ҳамда корхона фаолиятида талаб этилаётган ўзгаришлар кўламини ўз ичига олади.

Муаллиф томонидан тежамкор ишлаб чиқаришнинг услубий жиҳатларини асослашда тадқиқот объекти сифатида олинган тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг тармоққа хос жиҳатлари ҳам тадқиқ этилган.

Муаллифнинг фикрича, тўқимачилик корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни бошқаришда омилли ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Хомашё, материаллар ва ресурслар сарфининг илмий асосланган меъёрларига амал қилиш, ишлаб чиқаришдан йўқотишларнинг олдини олиш, чиқитсиз технологияларини жорий этиш ҳамда ходимларнинг меҳнатга тежамли муносабати ресурс тежамкорликни таъминлашдаги асосий омиллардан ҳисобланади.

Рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхонада, жумладан тўқимачилик корхоналарида ҳам, асосий мақсадга эришиш учун ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, жумладан моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, ўрнатилган техника-технология ва ишчи кучидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Чунки, ресурстежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали фойдани кўпайтириш ва рентабеллик даражасини оширишга эришилади.

Диссертацияда ривожланган хорижий давлатларда тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этиш тажрибасини умумлаштирган ҳолда, хориж мамлакатларида тежамкор ишлаб чиқаришни кўллаш амалиётининг ижобий хусусиятларини тўқимачилик корхоналарига ҳам татбиқ этиш имкониятлари асосланган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этиш таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида тўқимачилик корхоналарининг республикамиз саноатини ривожлантиришдаги ўрни асосланган, тўқимачилик корхоналарида хомашё ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги ўрни ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинган.

Муаллиф томонидан тўқимачилик корхоналарининг республикамиз саноатини ривожлантиришдаги ўрни тадқиқ этилиб, мазкур тармоқда тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири асосланган.

Муаллифнинг фикрича, корхона фаолиятининг пировард натижалари кўп жиҳатдан, ички ва ташқи муҳит омилларига боғлиқ бўлса-да, ишлаб чиқаришнинг моддий ресурслари ва уларни бирлаштириш, улар ёрдамида меҳнатни ташкил этиш ҳар доим муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланишни мақсад қилиб белгилаган ҳар бир корхонада ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқилади. Бундан кўзланган мақсад – ишлаб чиқариш учун

сарфланувчи хомашё харажатларини камайтириш орқали фойда миқдорини оширишдан иборат.

Диссертацияда кўрсатилишича, ресурсларни танлаш муқобиллиги қуйидаги вазифаларни ҳал қилишда ёрдам беради:

харажатларнинг камайиши ва ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатининг ошиши;

алоҳида товар ва маҳсулотлар ассортименти билан бозорга кириб бориш ва ўз ўрнини эгаллаш;

маҳсулот сифатида аниқ устунликка эришиш;

технологиядан фойдаланишда мавқенинг ошишига эришиш;

ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ва корхона фаолиятдан фойда олиш.

Муаллиф томонидан эркин иқтисодий муносабатлар шароитида корхоналарнинг моддий ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланишни баҳолаш вазифалари асосланган:

корхонанинг зарур моддий ресурслар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;

моддий ресурсларни корхонага етказиб бериш ҳажмининг комплекслилик, сифатлилик ҳамда маромийлик даражасини белгилаш;

материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни маҳсулот ҳажми ва унинг таннархига таъсирини миқдорий жиҳатдан ҳисоблаш;

хомашё, ёқилғи ва материалларга баҳо беришда фойдаланилмай қолган ички имкониятларни аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида қабул қилинган корхоналарда хомашёдан оқилона фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилган ҳолда, тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишда, маҳсулотни ишлаб чиқариш моддий харажатлар сарфига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар баҳоланган.

Диссертацияда кўрсатилишича, тўқувчилик тармоғида жуда хилма-хил турдаги хомашёдан фойдаланилади. Тўқувчилик тармоғида ресурслардан фойдаланиш тактикасини белгилашда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

солиштирма капитал харажатлар;

меҳнат унумдорлиги;

маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари;

маҳсулот сифати;

маҳаллий хомашёни тақсимлаш ва фойдаланиш даражаси;

камёб хомашёдан фойдаланиш даражаси;

ишлаб чиқариш босқичлари бўйича чиқиндиларни камайтириш имкониятлари;

сунъий ва кимёвий материаллардан фойдаланиш;

хомашёнинг прогрессив технология сифат талабларига жавоб бериши;

хомашёнинг тайёр маҳсулот сифат кўрсаткичларига жавоб бериши;

техника-технология даражасининг ресурслардан унумли фойдаланиш даражасига жавоб бера олиши.

Муаллифнинг фикрича, ресурслардан тежамкор фойдаланиш стратегияси куйидаги мақсадларга қаратилади:

белгиланган даврда муайян тармоқда қўллашнинг иқтисодиёт нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқлиги;

айрим ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятида ҳисобга олиш;

охир-оқибат ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланиш ҳисобига корхона самарадорлигини оширишга эришиш.

Тадқиқот объекти сифатида қабул қилинган «Апитекс» МЧЖ корхонасида моддий ресурслардан фойдаланиш ҳолати омиллар бўйича таҳлил қилинган ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархида хомашё ва асосий материалларга сарф-харажатларни қисқартириш ички имкониятлари аниқланган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**«Апитекс» МЧЖ да хомашёдан фойдаланиш кўрсаткичлари<sup>7</sup>**

№	Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2021 йил 2019 йилга нисбатан	
					(+,-)	%
1.	Газлама ишлаб чиқариш ҳажми, минг метр	90 930	97 295	106 051,7	+15 121,7	116,6
2.	Калава ип сарфи жами, т: арқоқ танда	6866,1	7423,8	7346,7	+480,6	107,0
		8199,2	9283,2	9183,1	+983,9	89,1
3.	Ўртача 100 метр газлама ишлаб чиқаришга ип сарфи, кг: арқоқ танда	7,551	7,610	7,250	-0,30	96,0
		9,017	9,857	9,343	+1,04	103,6

1-жадвал таҳлили натижаларига асосланган ҳолда, 2021 йил «Апитекс» МЧЖ да 2019 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми +15121,7 минг метрга ортган бўлишига қарамай, хомашё сарфини пасайтиришга эришиш ҳисобига танда ипи бўйича ҳам, арқоқ ипи бўйича ҳам харажатлар қисқарган. 2020 йилга нисбатан ўртача 100 метр газлама ишлаб чиқаришга ип сарфи қисқариши ҳисобига арқоқ ипи сарфи бўйича (7346,7-7423,8) 77,1 тонна, танда ипи бўйича(9183,1 - 9283,2) 100,1 тонна тежашга эришилган. Мазкур ҳолат эса, корхонада материаллар сарфини камайтириш ҳисобига қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Муаллиф томонидан ресурс тежамкорликка таъсир кўрсатувчи асосий омиллар таҳлили умумлаштирилган ҳолда, хомашё, материаллар ва ресурслар сарфининг илмий асосланган меъёрларига амал қилиш, ишлаб чиқаришдан йўқотишларнинг олдини олиш, чиқитсиз технологияларини жорий этиш ҳамда ходимларнинг меҳнатга тежамли муносабати мақбул нисбатларини таъминлаш орқали, корхонада ишга солинмаган ички имкониятларни ишга солиш, корхона самарадорлигини ошириш мумкин, деб хулоса қилинган (2-жадвал).

<sup>7</sup> «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

**«Апитекс» МЧЖ да тежамкор ишлаб чиқаришни бошқаришга омилли  
ёндашув самараси<sup>8</sup>**

т/р	Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2021 йил 2019 йилга нисбатан (+,-)
1.	Жами хом ашё ва материалларга кетган харажатлар, млн. сўм	596468,9	685939,2	686300,6	+89831,7
2.	Ҳаражатларни камайтириш ички омиллари, жумладан:				
	Хомашё ва материаллар сарфининг илмий асосланган меъёрлари асосида ишлаб чиқариш, млн. сўм	226658,2	260656,9	260794,2	+34136
	Ишлаб чиқаришда йўқотишларнинг олдини олиш, млн. сўм	77540,1	89172,1	89219,4	+11679,3
	Чиқитсиз технологияларини жорий этиш, млн. сўм	101399,7	102890,8	116671	+15271,4
	Ходимларнинг меҳнатга тежамли муносабати, млн. сўм	190870	219500	219613,5	+28743,5

2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, корхонада бир хил ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришда 2021 йил 2019 йилга нисбатан жами хом ашё ва материалларга кетган харажатлар 89831,7 млн.сўмга ортган. Таҳлил натижаларига кўра, корхонада харажатларнинг ортишига таъсир кўрсатган асосий омиллар баҳоланган:

хомашё ва материаллар сарфининг илмий асосланган меъёрлари асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини 34136 млн.сўмга ошириш ички имконияти мавжуд бўлиб, мазкур омилнинг салмоғи  $T_M = 3$  қатор :1қатор =  $34136 : 89831,7 = 0,38$  ёки 38%ни ташкил этади;

ишлаб чиқаришда йўқотишлар омили ҳисобига харажатлар 11679,3 млн.сўмга ортган. Яроқсиз, нуқсонли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши нафақат хом ашё ва материаллар бўйича ортиқча харажат, балки нуқсонли маҳсулотларини ишлаб чиқарган ишчиларга тўланадиган иш ҳақи фондлари бўйича, ишчиларнинг иш вақти фонди бўйича ҳам ортиқча харажатларга олиб келган. Корхонада жами сарфланган хом ашё ва материалларга кетган харажатларга нисбатан мазкур омилнинг салмоғи  $T_{\text{й}} = 4$  қатор :1қатор =  $11679,3 : 89831,7 = 0,13$  ёки 13%ни ташкил этади;

корхонада ишлаб чиқариш босқичлари бўйича чиқиндилар фоизини камайтириш, шунингдек чиқитсиз технологияларини жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини 15271,4 млн.сўмга қисқартириш ички имкониятлари мавжуд. Тадқиқотлар кўрсатишича, корхонада хом сурп ишлаб чиқариш ўтимлари бўйича чиқиндилар фоизи меъёрда ўрнатилганидан 4,7%га

<sup>8</sup> «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

юқори бўлган. Чиқиндилар фоизи ортиши омили ҳисобига хом ашё ресурслари бўйича ортиқча сарфланишга йўл қўйилган. Корхонада жами сарфланган хом ашё ва материалларга кетган харажатларга нисбатан мазкур омилнинг салмоғи  $T_{\text{ЧТ}} = 5$  қатор : 1 қатор =  $15271,4 : 89831,7 = 0,17$  ёки 17% ни ташкил этади.

ходимларнинг меҳнатга тежамли муносабати омили ресурс тежамкорликни таъминлашдаги энг асосий омиллардан ҳисобланиб, корхонада хронометраж кузатувларини, иш вақтини сураатга олиш кузатувларини ўтказиш орқали, ресурс тежамкорликни таъминлашда меҳнат омилнинг, меҳнатни мотивациялашнинг ўрни катта эканлиги, шунингдек мазкур омил ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини 28743,5 млн.сўмга қисқартириш ички имконияти мавжуд эканлиги асосланган. Корхонада жами сарфланган хом ашё ва материалларга кетган харажатларга нисбатан мазкур омилнинг салмоғи  $T_{\text{Х}} = 6$  қатор : 1 қатор =  $28743,5 : 89831,7 = 0,32$  ёки 32% ни ташкил этади.

Муаллифнинг фикрича, тўқимачилик корхонасининг асосий салоҳияти ходимлардан иборат. Ҳолатлар қанчалик яхши бўлиб, энг яхши техника-технологиялар мавжуд бўлишига қарамай, малакали ходимларсиз юқори натижаларга эришиш мушкулдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда инсон омилнинг аҳамияти доимий равишда жамият эга бўлган ҳар бир ишчи кучи салоҳиятининг ошириб бориши билан боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, муаллиф томонидан тадқиқот объекти сифатида қабул қилинган «Осборон текстил» МЧЖ корхонасида иш вақтидан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### «Осборон текстиль» МЧЖ корхонасида иш вақтидан фойдаланиш ҳолати<sup>9</sup>

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2019й.	2020й.	2021й.	2021 й. 2019 й.га нисбатан (+,-)
1.	Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони	киши	1022	1026	1018	-4
2.	Ишчилар томонидан ишланган иш соатлари	минг соат	1065,2	1074,3	1041	-24,2
3.	Шу жумладан, иш вақтидан ташқари ишланган иш соатлари	мингсоат	16,3	15,2	18,7	+2,4
4.	Ишчилар томонидан ишланган иш кунлари	минг кун	575,61	576,37	563,05	-12,56
5.	Ҳар бир ишчи томонидан ўртача ишланган иш соатлари	соат	1766	1786,2	1775,2	+9,2
6.	Ҳар бир ишчи томонидан ўртача ишланган иш кунлари	кун	222,5	223,4	223	+0,5
7.	Унумсиз фойдаланилган иш вақти	минг соат	7,2	5,5	6,8	-0,4
8.	Иш кунининг ўртача давомийлиги	соат	7,937	7,946	7,931	-0,006

3-жадвал маълумотларидан корхонада ишчиларнинг иш вақтидан фойдаланиш бўйича ички имкониятлар мавжудлигини кўриш мумкин. Хусусан, ҳар бир ишчи томонидан ўртача ишланган иш соатлари, ишчи кунлар 2021 йил

<sup>9</sup> «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



2019 йилга нисбатан ортганлиги, шунингдек, унумсиз фойдаланилган иш вақти камайганини кузатиш мумкин.

Муаллиф томонидан тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили тадқиқот объекти сифатида олинган «Асака ишонч кафолат» МЧЖ корхонаси маълумотларига асосланган ҳолда, амалга оширилган. «Асака ишонч кафолат» МЧЖда корхона қувватидан фойдаланиш таҳлили маълумотларига асосланиб, ишлаб чиқариш қувватининг камайишига иккита омил – жиҳозларнинг бекор туриш фоизи ошиши ҳамда жиҳозлар унумдорлиги камайиши омиллари таъсир этган, деб хулоса қилинган (4-жадвал).

Корхонага келтирилган, лекин ҳали ўрнатилмаган 4 % дастгоҳларнинг ишга туширилиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ва асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

#### 4-жадвал

#### «Асака ишонч кафолат» МЧЖ корхонасида асосий фондлар билан таъминланганлик ва ундан фойдаланиш даражаси<sup>10</sup>

№	Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2021 й. 2019 й.га нисбатан фарқи(+,-)
1.	Мавжуд дастгоҳлар сони, дона	435	435	477	+42
2.	Ўрнатилган дастгоҳлар, дона	430	435	458	+28
3.	Ишлаётган дастгоҳлар, дона	325	314	338	+13
4.	Ишламаётган дастгоҳлар, дона	105	121	120	+15
5.	Ўрнатилмаган дастгоҳлар	5	-	19	+14
6.	Мавжуд дастгоҳлардан фойдаланиш коэффициенти:				
	- ўрнатилган дастгоҳлар бўйича	0,99	1,0	0,96	-0,03
	- ишлаётган дастгоҳлар бўйича	0,75	0,72	0,7	-0,05
7.	Ўрнатилган дастгоҳлардан фойдаланиш коэффициенти	0,76	0,72	0,74	+0,02

Диссертациянинг «Тўқимачилик корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобида тўқимачилик саноати корхоналарини тежамкор ишлаб чиқариш асосида стратегик ривожлантиришнинг истиқболли кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Тўқимачилик корхоналарида тежамкор ишлаб чиқаришни тактик қарорлар тизими асосида бошқариш асосланган ҳамда ресурс тежамкорликни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик тармоғида фаолият юритаётган тўқимачилик корхоналари фаолиятининг эконометрик таҳлили орқали, корхоналарда тежамкор ишлаб чиқаришни (Lean production) татбиқ этиш жараёнлари ҳолати илмий жиҳатдан баҳоланган. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик корхоналари томонидан сотилган маҳсулот

<sup>10</sup> «Ўзтўқимачиликсаноат»уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

таннархи ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасида корреляцион боғланиш ўрнатилган:

$$Y = 6304490 + 0,29 \cdot X_1 - 0,004 \cdot X_2 + 1,35 \cdot X_3 \quad (1)$$

$X_1$  – маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум;

$X_2$  – маҳсулот бирлиги учун материаллар сарфи;

$X_3$  – асосий воситаларнинг эскириш қиймати.

Тўқимачилик корхоналарида ресурс тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги ички имкониятлар ҳисоб-китобига асосланган ҳолда, «маҳсулот ишлаб чиқариш дастурий харитаси» ишлаб чиқилган (1-расм.).

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган дастурий харитада ресурс тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишда, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириш бўйича қўшимча имкониятлар асосланган.


Бунда, корхонанинг моддий, техникавий, ҳамда меҳнат ресурсларидан тежамкор фойдаланишнинг ички имкониятларини аниқлаш, ҳамда уларни ишга солиш бўйича вазифаларни белгилашга асосий эътибор қаратилган.

Муаллиф фикрича, ресурс тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишда меҳнат салоҳиятининг ўрни катта. Шундан келиб чиққан ҳолда, тўқимачилик корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятлари ва мазкур йўналишда корхонада амалга оширилиши керак бўлган вазифалар, хусусан, корхонада иш вақтидан йўқотишларни тугатиш, ишчиларнинг меҳнатга бўлган муносабатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш, ҳамда кадрлар таркибини яхшилаш ва ишчилар малакасини ошириш зарурлиги асосланган.

Диссертация ишида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда, янги иш жойларини жиҳозлаш, асбоб-ускуналардан ва иш вақтидан унумли фойдаланиш, асбоб-ускуналар унумдорлигини ошириш, асосий ишлаб чиқариш фондлари таркибини яхшилаш ҳисобига, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ички имкониятлари мавжудлиги асосланган.

Ресурс тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этишда, тўқимачилик саноати маҳсулотлари таннархида хомашё ва материаллар салмоғининг юқори эканлигидан келиб чиққан ҳолда, корхонада материаллар сарфи меъёрини камайтириш, хом ашё ва материалларнинг замонавий турларидан фойдаланиш омиллари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг ички имкониятлари мавжудлиги кўрсатилган.

Муаллиф томонидан, сотилмаган маҳсулот ҳажмини камайтириш ҳисобига сотиш ҳажмини ошириш имкониятлари сифатида жўнатилган товар маҳсулоти бўйича режадан ортиқча қолдиқни камайтириш ҳамда тайёр маҳсулотни режадан ортиқча захираларини камайтириш кераклиги, мазкур йўналишда амалга оширилиши керак бўлган асосий вазифалар сифатида белгилаб берилган.



**1-расм. Ресурсларни потенциал тежаш имкониятларига асосланган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг дастурий харитаси<sup>11</sup>**

<sup>11</sup> Муаллиф ишланмаси.

Тармоқ фаолиятининг 2014-2021 йиллардаги статистик маълумотларидан фойдаланиб, эконометрик таҳлили амалга оширилган. Бу эса ўз навбатида, соҳа фаолияти тўғрисида аниқ ва илмий хулоса қилишга асос бўлган.

